

№29-32  
(1463-1466)  
2023 YIL  
1-AVGUST

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

## 2023 йил – инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ УЧУН ТИББИЁТ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-414-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт тиббиёти соҳасида кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш орқали спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт тиббиёти йўналишини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

кадрлар тайёрлаш бўйича илғор инновацион, илмий-услубий технологияларни жорий этиш орқали ўқув жараёнларини

спорт-таълим муассасалари ва миллий терма жамоалар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш;

спорт тиббиёти йўналишида кадрлар тайёрлашда талабаларнинг амалий машғулот дарслари ҳамда амалиётини Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида ташкил этиш орқали дуал таъ-

лим тизимини ривожлантириш; хорижий мутахассислар (спорт шифокори, спорт диетологи, спорт физиологи, спорт фармакологи, спорт психологи) ни жалб қилган ҳолда спорт тиббиёти соҳасидаги ходимларнинг малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш;

хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда спорт шифокори ва спорт диетологи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолия-

тини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш орқали спортчиларга тиббий хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш.

2. Белгилансинки:

а) жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун спорт шифокори ва спорт диетологи мутахассисларини тайёрлаш бўйича Тошкент тиббиёт академияси бош олий таълим муассасаси ҳисобланади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент тиббиёт академиясида “Спорт шифокори” ва “Спорт диетологияси (овқатланиш илми)” бўйича магистратура мутахассисликлари жорий этилади;

Тошкент фармацевтика институтида “Экспериментал ва спорт фармакологияси” магистратура мутахассислиги бўйича амалдаги ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари икки бараварга оширилади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноят), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев)нинг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

Давоми 2 - бетда ▶

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2023 йил 26 июль

Тошкент шаҳри

№179

## 2023/2024 ўқув йилида клиник ОРДИНАТУРА (РЕЗИДЕНТУРА)ГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги «Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-279-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 июнь 2023 йил йилдаги “2023/2024 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Ф-31-сон фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очик мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-364 қарори билан тасдиқланган “Йўл харита”нинг 40-бандидаги “Клиник ординатурада мутахассис тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” бўйича белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб,  
БУЮРАМАН:

#### 1. Куйидагилар:

Клиник ординатура (резидентура) орқали тиббиёт кадрларни 2023/2024 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлари ва уларга мувофиқ келувчи бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида тиббиёт олий таълим ва илмий муассасалари ва вилоятлар бўйича клиник ординатура (резидентура) мутахассисликларида ўқитиш учун ўринлар сони 2-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари кесимида клиник ординатура (резидентура)га умумий ва мақсадли қабул режаси 3-иловага мувофиқ;

Тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт хо-

димларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтларида 2023/2024 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура) қабули тест синовларини ташкил этиш жадвали 4-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида клиник ординатура(резидентура)га қабул бўйича масъул котиблар рўйхати 5-иловага мувофиқ;

Тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари клиник ординатор (резидент)ларини «Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, Фуқаролик жамияти» фанини ўқитиш учун Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва тиббиёт олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали 6-иловага мувофиқ;

2023/2024 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш тўғрисидаги ҳисобот шакллари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### 2. Белгилансинки:

2023/2024 ўқув йили қабулида:

клиник ординатура мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади. Бунда, тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари томонидан танланган мутахассисликка мос равишда тегишли бакалаврият таълим йўналишлари фанлари негизда кириш синов имтиҳонлари амалга оширилади, бунда фанлар бўйича кириш имтиҳонлари тест синовлари шаклида ўтказилади;

клиник ординатура мутахассислигига мос равишда тегишли бакалаврият таълим йўналишлари бўйича имтиҳонлар натижалари синовлар ўтказилганидан кейин уч кун муддатда таълим муассасаси томонидан идоралараро электрон ахборот алмашинув тизими орқали Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади ҳамда мазкур муассасанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

2023/2024 ўқув йили Болалар миллий тиббиёт марказида куйидагилар амалга оширилсин:

Давоми 3 - бетда ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИ УЧУН ТИББИЁТ КАДРЛАРИНИ  
ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**←**Давоми. Боши 1-бетда**

а) Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузурида ташкил этилган **тиббиёт факультетини** (“Даволаш иши” таълим йўналиши) **янада кенгайтириш** орқали уни **Тошкент тиббиёт академиясининг Чирчиқ филиали** (кейинги ўринларда – Филиал)га айлантириш;

Филиалда **спорт тиббиёти ва бошқа тиббиёт мутахассисликлари** (“Даволаш иши”, “Фармацевтика”, “Педиатрия”) бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳамда Чирчиқ шаҳридаги барча турдаги тиббиёт муассасаларини Филиалга **клиник-ўқув база сифатида бириктириш**;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Аранча кўргони, А.Ясавий маҳалласида жойлашган Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги **собиқ 3-сонли онлавий поликлиника**, Чирчиқ шаҳри, А.Темур маҳалласида жойлашган **Чирчиқ тиббиёт коллежининг** бино-иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида **Филиалга бегараз бериш**;

Филиалга ажратилган бино ва иншоотларни заруратга кўра **2024/2025 ўқув йилига қадар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академиясининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **жорий таъмирлаш** ва Филиални ушбу объектларга тўлиқ **жойлаштириш**;

б) Филиалнинг **спорт тиббиёти бўйича** (“Спорт шифокори”, “Спорт диетологи” ва “Спорт фармакологи”) **кадрлар тайёрлашга ихтисослашган факультетини** Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети бино-иншоотларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида **жойлаштириш** орқали спорт соҳасида кадрларни комплекс тайёрлаш бўйича **“Чирчиқ спорт кластери”** намунасини яратиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Филиалнинг **спорт тиббиёти факультетини** жойлаштириш учун тегишли **бино-иншоотларни ажратиш** ва уларни **сақлаш** харажатлари ҳамда талабаларини ётоқхона билан таъминлаш **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

Филиалга талабаларни қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича **давлат комиссияси** томонидан белгиланади.

Бунда, **спорт тиббиёти** (“Спорт шифокори”, “Спорт диетологи” ва “Спорт фармакологи”) йўналишларига **қабул параметрлари** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган **ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб**, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан **шакллантирилади**.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудобиев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (З.Мирзаев) 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида тиббиёт ва фармацевтика

йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда **ўқув-машғулотлар базасини яратиш, жумладан, замонавий лаборатория, симуляция ускуналари ва бошқа ускуналарни** харид қилиш ва ушбу йўналиш учун Филиалга ажратилган **бино-иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш** чораларини кўрсин.

6. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудобиев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда **2024 йил 1 январга қадар** давлат спорт-таълим муассасаларининг **янгиланган штат меъёрларини** тасдиқласин.

Бунда, **“Спорт шифокори”, “Спорт диетологи”** ҳамда **“Спорт фармакологи”** мутахассислиги бўйича штат бирликларига эҳтиёжи мавжуд бўлган давлат спорт-таълим муассасаларига ушбу штат бирликларини ажратиш назарда тутилсин.

7. Белгилансинки, давлат спорт-таълим муассасаларининг спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва спорт фармакологлари **Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида** белгиланган тартибда **бепул малака оширади**.

Бунда, ушбу мутахассисларнинг малака ошириши билан боғлиқ **амалий дарслар Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида** ташкил этилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов):

маҳаллий ва хорижий мутахассислар (**спорт шифокори, спорт диетологи, спорт физиологи, спорт фармакологи, спорт психологи**)ни жалб қилган ҳолда доимий равишда спорт тиббиёти соҳасидаги мутахассислар учун **ўқув курслари, семинарлар ва маҳорат дарсларини** ташкил этиб борсин;

**2024/2025 ўқув йилига қадар** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда **“70910233-Спорт тиббиёти”** ҳамда **“70910401-Гигиена: нутрициология”** мутахассисликлари бўйича малака талабалари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Мудофаа вазирлиги (Б.Курбанов), Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда:

**бир ой муддатда** миллий терма жамоа аъзоларига тайёргарлик ва мусобақалардан кейинги даврда юқори малакали махсус тиббий амалиёт ўтказиш хизматларини ташкил этиш бўйича **Қуролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпитали** билан **ҳамкорликни** йўлга қўйсин;

Қуролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпитали орқали спортчиларга юқори малакали махсус тиббий амалиёт ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Давлат бюджети параметрларида **спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари учун назарда тутилган маблағлар** ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутсин.

Бунда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Қуролли Кучлар бош ҳарбий клиник госпиталида **юқори малакали**

**махсус тиббий амалиёт ўтказиладиган спортчилар контингенти** Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда **белгиланади**.

10. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилояти ҳокимликларининг **Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида** Республика спорт тиббиёти **илмий-амалий марказининг** (кейинги ўринларда – Марказ) **минтақавий филиалларини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қуйидагилар Марказ ва унинг минтақавий филиаллари **фаолиятининг устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

жойларда спортчиларнинг жисмоний ҳолати ва ривожланишини доимий назорат қилиб бориш, улардаги ўткир, сурункали касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш;

спорт-таълим муассасалари, шунингдек, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида фаолият олиб бораётган тиббиёт мутахассислари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг профессионал фаолиятига кўмаклашиш;

спорт-таълим муассасаларига спорт тиббиёти йўналишида илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

спортчиларнинг касаллик ва жароҳатларини даволаш, шунингдек, уларга махсус ҳамда комплекс тезкор тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида тиббий-жисмоний тарбия диспансерлари вазифасини бажариш;

спортчиларнинг касаллик тарихини ўзида акс эттирувчи ягона электрон ахборот тизимини яратиш;

олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ҳамда ихтисослаштирилган спорт-таълим муассасаларида тайёрланаётган профессионал спортчиларни бир йилда икки маротаба чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш ва тиббий мониторинг олиб бориш;

генетик таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб, спортчиларни спорт турларига бириктириш ва селекция тизимини йўлга қўйиш.

12. Марказнинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари;

тиббий хизматларни кўрсатиш ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазири А.И.Икрамовга Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ҳамда бошқа нуфузли халқаро спорт мусобақаларига **спортчиларни комплекс тайёрлашга ажратилган бюджет маблағларининг бир қисмини** спортчиларга чуқурлаштирилган тиббий

хизматларни кўрсатиш учун Марказ ва унинг минтақавий филиалларига мақсадли йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари:

**бир ой муддатда** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда Нукус, Андижон, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги давлат мулки бўлган бўш турган биноларни хатловдан ўтказсин ҳамда уларга **Марказнинг минтақавий филиалларини** текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин;

**уч ой муддатда** минтақавий филиалларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни зарур бўладиган жиҳозлар ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) билан биргаликда **уч ой муддатда давлат спорт-таълим муассасалари** ўқувчилари, миллий терма жамоалар аъзолари ҳамда профессионал футбол ва бошқа спорт клублари спортчиларини **жорий ва чуқурлаштирилган тиббий текширувдан ўтказиш тартибини тасдиқласин**.

15. Белгилансинки:

Марказ тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатдан **мусобақаларга тайёрлашни таъминловчи**, спорт тиббиёти соҳасидаги

ўқув услубий қўлланма ва ўқув дастурларини ишлаб чиқувчи **ихтисослаштирилган спорт тиббиёт муассасаси** ҳисобланади;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб спорт тиббиёти соҳасидаги ўқув дастурлари ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш **бевосита Марказ иштирокида** амалга оширилади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан биргаликда **2024 йилдан** бошлаб ҳар йили спорт-таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришда спорт-таълим муассасаларида таҳсил олаётган спортчи-ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун зарур бўладиган маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазибалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ёшлар сиёсати ва спорт вазири **А.И.Икрамов** ҳамда соғлиқни сақлаш вазири **А.Ш.Иноятов** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси К.К. Қурбанбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
БУЙРУҒИ

2023 йил 26 июль

Тошкент шаҳри

№179

**2023/2024 Ўқув йилида клиник  
ОРДИНАТУРА (РЕЗИДЕНТУРА)ГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА****← Давоми. Боши 1-бетда**

«Болалар кардиохирургияси» мутахассислиги бўйича клиник ординатура (резидентура) ташкил этилсин;

етук маҳаллий ва халқаро тажрибага асосланган мутахассислик бўйича ўқув дастур тузилсин;

«Болалар кардиохирургияси» мутахассислиги бўйича клиник ординатура (резидентура)га «Болалар хирургия» магистратураси ёки «Болалар хирургия» клиник ординатура (резидентура)си мутахассисликлари битирувчилари ҳужжат топширишга рухсат этилсин ва умумий танлов асосида қабул қилиниши таъминлансин;

амалиётга йўналтирилган ўқиш жараёни юқори савияда ташкиллаштирилсин; ўқиш муддати – 3 йил этиб белгилансин.

3. 2023/2024 ўқув йили Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги **Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетида** Ўзбекистон Республикасининг 35 нафар фуқароси таълим оладиган олий таълимнинг ўқув дастурлари – **ординатура дастурлари рўйхати** 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2023/2024 ўқув йили Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг (кейинги ўринларда - РМТТУ) ординатура мутахассисликларига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини **ўқишга қабул жараёни тартиби** 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қабул параметрлари сони клиник ординатура мутахассисликлари кесимида 2023/2024 ўқув йили учун РМТТУ томонидан тасдиқланади, бунда умумий танловдан ўтганлар учун ўқиш тўлов контракт асосида амалга оширилиши инобатга олинсин;

2023/2024 ўқув йили РМТТУ ординатура танловида юқори балл олиб ўқишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 35 нафар фуқароси учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Икtidорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси фонди» ҳисобидан **ўқиш тўлов контракт суммаси қопланиши** белгилансин.

Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари Раёсати раиси (Б. Даминов), Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллари директорлари (А. Шадманов, Б. Даминов, Н. Хайдаров, О. Атаниязова, Ж. Ризаев, А. Мадазимов, Ш. Тешаев, А. Сидиков, Р. Рўзбаев, Ф. Отақулов)га: Республика тиббиёт олий таълим муассасаларида танлов босқичлари юқори савияда амалга оширилсин, бунда:

2023 йилнинг 1-4 август кунлари хар бир тиббиёт ОТМда дастлабки танлов

(сухбат)дан ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳни шакллантириш, талабгорларни рус тилида дастлабки танлов (сухбат)дан ўтказиш;

2023 йил 5-10 август кунлари Ишчи гуруҳ томонидан танловда иштирок этишга тавсия этилган абитуриентлар ҳужжатларини Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ординатура мутахассисликларига қабул бўйича эълон қилинган веб-сайтда топшириш ва рўйхатдан ўтиш жараёнини олиб бориш, ординатура мутахассисларига қабул танлови онлайн тест саволлари бўйича абитуриентлар ўз-ўзини назорат қилиш учун имкониятлар яратиш;

2023 йил 11- 16 август кунлари абитуриентларнинг Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ординатура мутахассисликларига қабул бўйича онлайн форматдаги тест синовларида иштирок этишларини марказлашган ҳолда Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳудудида ташкил этиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов), Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари,Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Х. Акилов), Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари (А. Шадманов, Б. Даминов, Н. Хайдаров, О. Атаниязова, Ж. Ризаев, А. Мадазимов, Ш.Тешаев, А. Сидиков, Р. Рўзбаев, Ф. Отақулов)

уч кун муддатда, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб, юқори малакали илмий-амалий кадрлар потенциали мавжуд, замонавий моддий-техник базага эга ва клиник ординаторларни ўқитиш бўйича таълим дастурлари мавжуд хусусий клиникаларда клиник ординатурада мутахассис тайёрлаш тизимини жорий этиш истагини билдирган ва меърий ҳужжатлари талаб ва шартларга жавоб берадиган хусусий клиникалар томонидан Вазирликка талабнома ва тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши эълон қилинсин;

клиник ординатурада мутахассис тайёрлаш бўйича даъвогар бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023-2024 ўқув йилига талабнома тақдим этган хусусий клиникаларни (кейинчалик – Хусусий клиника) амалдаги қонунчиликка мувофиқ талабларга мос эканлигини аниқлайдиган ва таълим жараёни бошланишини белгилайдиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги комиссияси (кейинчалик - Комиссия) ташкил этилсин ва **Клиник ординатурада мутахассис тайёрлаш бўйича даъвогар хусусий клиникаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ талабларга мослигини аниқлаш Комиссия аъзолари рўйхати** 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2023 йил 1 август кунига қадар, Комиссия аъзолари томонидан Хусусий клиникалардан талабномалар йиғиб умумлаштирилсин, тўлиқ маълумот Ва-

зирликда муҳокамага тақдим этилсин, куйидаги талабларга жавоб беришиб атафсил текширилсин:

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 319-сон қарори билан тасдиқланган 2-иловадаги Клиник ординатура тўғрисидаги Низом талаблари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сон Президент Қарорининг 12-бандида белгиланган талаблар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 феврал 2022 йилдаги “Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 88-сон қарорида 7-илова билан тасдиқланган “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятининг паспорти”да белгиланган талаблар ва шартларга мажбурий жавоб берган ҳолда, Олий таълим, фан ва инновация вазирлигига **Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолияти** тўғрисида хабарнома берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21 феврал 2022 йилдаги “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 80-сон Қарорнинг 2-иловадаги Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона Низомга асосан, Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Паспортида белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мос бўлган ҳолда, Лицензияловчи орган - Олий таълим, фан ва инновация вазирлигидан Нодавлат таълим хизматларини кўрсатишималга ошириш учун **лицензия мавжудлиги**.

**Комиссия хулосасига мувофиқ, комиссия аъзолари томонидан қуйидагилар амалга оширилсин:**

клиник ординатурада мутахассис тайёрлаш бўйича даъвогар бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2023-2024 ўқув йилига талабнома тақдим этган хусусий клиникаларни амалдаги қонунчиликка белгиланган шарт ва талабларга мос бўлганларини танлаб олиб, Клиник ординаторларни ўқитиш ваколати берилган Хусусий клиникалар руйхатини тузиш.

**Бунда,** хар бир хусусий клиникага сифатли таълим жараён амалга ошириш имкониятидан келиб чиқиб:

ўқитиладиган мутахассисликлар руйхати;

қабул квоталари кўрсаткичлари; қабул жараёни учун масъул котиблар номзодларини белгиласин ва Комиссия йиғилиши Баёни билан тасдиқласин;

қабул жараёни ўрнатилган талабларга мос равишда амалга оширилсин (ушбу

буйрукни 10-бандига мувофиқ);

Тиббиёт олий таълим муассасаларини клиник ординатура мутахассисларни тайёрлайдиган Хусусий клиникаларга ҳудудлар кесимида бириктирилиш тақсимотини 11-иловага мувофиқ тасдиқласин;

бириктирилган тиббиёт олий таълим муассасалари хусусий клиникаларга қабул жараёни, назарий таълим жараёни, сифатли узлуксиз таълим жараёни, билим ва кўникмалар назоратида методик ёрдам кўрсатиш олиб борсин;

оралиқ ва якуний назорат жараёнларида, 2 босқичли якуний давлат аттестация жараёнларида бириктирилган тиббиёт олий таълим муассасалари масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари иштироки таъминлансин.

Клиник ординаторларни ўқитиш ваколати берилган Хусусий клиникалар ўрнатилган муддатда аккредитациядан ўтиши таъминлансин ва Вазирлик белгилаган нусхадаги Гувоҳнома берилишига рухсат этилсин.

5. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб мақсадли ва тўлов-контракт асосида ўқишга кирган клиник ординаторлар ўқув жараёни биринчи ва иккинчи (ўқиш муддати 3 йил бўлган мутахассисликлар учун) йиллари тиббиёт институтлари клиникаси ва ихтисослашган марказларда ўқитилади, ўқув даврининг битирув (иккинчи, учинчи) йилининг иккинчи семестрида (ўқув муддатининг охириги ўқув семестрида)ҳудудлардаги ихтисослашган тиббиёт марказлари филиаллари, вилоят болалар ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўқув амалиёт семестри ўтказилиши таъминлансин;

бунда, асосий таълим муассасаси клиник ординатор (резидент)га раҳбарлик қиладиган ходимлари томонидан мутахассиснинг ўқув режа ва ўқув (модул) дастурида кўзда тутилган барча аудитор (маъруза, семинар) соатлари онлайн тарзда ўтилсин;

ярим йиллик ва давлат аттестациясини дастлабки аккредитация билан ўтказилиши асосий таълим муассасаси томонидан таъминлансин;

Давлат аттестацияси ижобий натижаларига асосан клиник ординатор (резидент)ларга асосий таълим муассасаси томонидан ўрнатилган тартибда гувоҳнома берилсин;

клиник ординатор (резидент)нинг мутахассислик бўйича ўқув режа ва ўқув (модул) дастуридаги ўқув амалиёти ва мустақил таълим юктамаларининг бажарилиши ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларининг клиник ординатор (резидент)га раҳбарлик қиладиган ходимлари томони-

**Давоми 4 - бетда▶**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
БУЙРУҒИ

2023 йил 26 июль

Тошкент шаҳри

№179

**2023/2024 Ўқув йилида клиник  
ОРДИНАТУРА (РЕЗИДЕНТУРА)ГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА****«Давоми. Боши 1 ва 3-бетларда**

дан назорат қилинсин.

6. Клиник ординатура (резидентура)га қабул жараёни барча учун тенг равишда-август ойида амалга оширилади, бунда:

клиник ординатурага қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонида бир босқичли тест синовлари асосида амалга оширилади.

академик ва молиявий мустақилликка эга бўлмаган тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти, эркин ва мақсадли тўлов-контракт параметрларига мувофиқ қабулни амалга оширади;

академик ва молиявий мустақиллик берилган тиббиёт олий таълим муассасалари (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Қорақалпоғистон тиббиёт институти) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти ва мақсадли тўлов-контракт параметрларига мувофиқ сўзсиз қабул жараёнини ташкил этади;

академик ва молиявий мустақиллик берилган тиббиёт олий таълим муассасалари (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Қорақалпоғистон тиббиёт институти) учун эркин тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари томонидан зарурият бўлган ҳолда, объектив асосланган ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шу жумладан тасдиқланган «Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси» (ТХСК)даги мутахассисликларни инобатга олиб, таклиф ва ўзгартириш киритиш, тасдиқлаш ҳуқуқи берилади, бунда тегишли тиббиёт ОТМ раҳбари шахсан масъул ҳисобланади ва 2 кун муддатда ушбу ҳақидаги Кузатув кенгаш баёнини Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.

7. Тиббиёт олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ректорлари ва директорлари (қабул

комиссиялари раислари) ҳамда клиник ординатура бўйича қабул комиссияси масъул котиблари:

клиник ординатура (резидентура)га ҳужжат топшириш жараёнида бакалаврият таълим йўналишлари битирувчилари, уларнинг яқин қариндошлари ва бошқа фуқароларга тўлиқ ва батафсил тушунтириш ишларини олиб бориш;

оммавий ва жамоавий мурожаатларни олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни қўришга шахсан масъул ҳисобланади; тиббиёт олий таълим муассасаларининг масъулиятсизлик билан ёндашган биринчи раҳбарларига ўрнатилган тартибда интизомий жазо қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

8. Клиник ординатура (резидентура)га ўқишга кириш учун талабгорлар тиббиёт олий таълим муассасаси ёки илмий марказ давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

клиник ординатура (резидентура) мутахассислиги кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси (ихтисослаштирилган илмий маркази, илмий-тадқиқот институти) ректори (директори) ва нодавлат тиббиёт муассасаси директори номига ариза;

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат (ёки дипломдан кўчирма - Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;

086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжат.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда олий таълим муассасаси қабул комиссияси абитуриентнинг ҳужжатларини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

9. Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (Ф. Санаев) «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш-Здравоохранение Узбекистана» газетаси (И. Соатова) билан биргаликда клиник ординатура (резидентура) қабул квоталарининг оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши таъминласин.

10. Тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари;

2023/2024 ўқув йили қабулида ҳужжат топширувчиларга қулайлик яратиш мақсадида рўйхатдан ўтиш жараёни бевосита ва онлайн тарзда – ташкилотларнинг расмий веб-сайтлари орқали амалга ошириш;

клиник ординатура (резидентура)га ҳужжатлар қабул қилишни оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинган кундан бошлаб, жорий йилнинг 22 августигача (шу кун ҳам) амалга

ошириш;

ҳужжат топширувчилар ва уларнинг ота-оналарини қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун ташкилотларда ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9:00-18:00 гача (1 сентябргача бўлган муддатда) ишлайдиган мурожаатлар маркази («Колл марказ») фаолиятини 2023 йилнинг 25 июлига қадар ташкил этиш;

қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотни жорий йилнинг 24 августига қадар ўрнатилган тартибда вазирлик Фан ва таълим бошқармасига топшириш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар қабул режаси бўйича берилган мақсадли ўринларга танловни ҳар бир вилоят учун алоҳида ташкил этиш ва ажратилган ўринларга ушбу ҳудудларда яшовчи ёки бошқа вилоятларда ишлаш истагини билдирган шифокорларни қабул қилиш;

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари учун клиник ординатура (резидентура)га берилган ўринларга танловда иштирок этувчи талабгорларга танловнинг тест синовларини 4-иловада бириктирилган тартибда ташкил этиш;

клиник ординатура (резидентура)га қабул қилиш режаси бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботни жорий йилнинг 4 сентябр санасига қадар вазирликнинг Фан ва таълим бошқармасига тақдим этиш;

клиник ординатура (резидентура)га кириш учун танловда иштирок этувчи ҳар бир шифокорга унинг ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва тест синовлари муддати кўрсатилган маълумотнома қабул комиссияси томонидан берилишини таъминлаш;

тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчиларини клиник ординатура (резидентура)га қабул қилган ҳар бир муассаса уларнинг ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида улар билан тузилган «уч ёки тўрт (ҳокимлик тўлов-контракти асосида тавсия этилганлар учун) томонлама шартнома» нусхасини ва битирувчиларга тиббиёт олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилган «ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги йўлланма»ни тўлдириб, улар битирган тиббиёт олий таълим муассасасига тақдим этиш;

клиник ординатура (резидентура)ни тугатган ҳар бир мутахассисни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар тўғрисидаги маълумотни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этиш вазибалари юклансин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари (У. Сабиров) ҳамда Илм-фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (Ў. Исмаилов)

Қорақалпоғистон Республика-

си, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатура (резидентура)га ажратилган ўринлар тўлдирилмаган тақдирда, уларни ҳудудий квота доирасида қайта тақсимлаш;

Тошкент шаҳрида танловдан ўтган шифокорлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари филиалларида ўқиш розилигини билдирган ҳолда уларни вилоят қабул режаси доирасида юбориш вазибалари топширилсин.

12. Илм-фан ва таълим бошқармаси (Ў. Исмаилов) Тиббий таълимни ривожлантириш маркази (Д. Тўхта-синова) билан биргаликда Республика тиббиёт олий таълим муассасаларида янги ташкил этилган клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари «Болалар клиник иммунологияси», «Болалар онкология ва гематологияси», «Болалар кардиохирургияси», «Паллиатив тиббий ёрдам» бўйича ўқув дастурларини 2023 йил 10 август кунига қадар тузилишини таъминласин ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тасдиқлаш учун киритсин.

13. Иқтисодиёт таҳлил ва нархларни шакллантириш бошқармаси (О. Сафаров):

жорий йилнинг 1 сентябрга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2023/2024 ўқув йилида клиник ординатор (резидент)ларни тайёрлаш бир йиллик ўқитиш қиймати ҳисоб-китобларини ҳамда мақсадли тўлов-контракт тўлов бўйича қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт суммаси ишлаб чиқилсин;

давлат олий таълим муассасалари клиник ординатура (резидентура)сига эркин тўлов-контракт тўлов бўйича қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт суммаси бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган суммадан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилансин;

тиббиёт олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтларидаги клиник ординатор (резидент)лар учун «Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, Фуқаролик жамияти» фанини икки йил мобайнида умумий 36 соат ўқитиш учун сарф-харажатлар ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

14. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир А. ИНОЯТОВ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
БУЙРУҒИ

2023 йил 26 июль

Тошкент шаҳри

№179

# 2023/2024 Ўқув йилида клиник ОРДИНАТУРА (РЕЗИДЕНТУРА)ГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2023 йил “26” июлдаги 179-сонли буйруғига  
1-илова

Клиник ординатура (резидентура) орқали тиббиёт кадрларни 2023/2024 ўқув йилида тайёрлаш  
бўйича мутахассисликлари ва уларга мувофиқ келувчи бакалаврият таълим йўналишлари  
Р Ў Й Х А Т И

№	Клиник ординатура мутахассисликлари* номи	Бакалаврият таълим йўналишлари	
		Шифри	Номи
1	Акушерлик ва гинекология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
2	Аллергология ва клиник иммунология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
3	Анестезиология ва реаниматология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
4	Болалар анестезиология ва реаниматологияси	5510200	Педиатрия иши
5	Болалар кардиоревматологияси	5510200	Педиатрия иши
6	Болалар клиник иммунологияси	5510200	Педиатрия иши
7	Болалар онкология ва гематологияси	5510200	Педиатрия иши
8	Болалар неврологияси	5510200	Педиатрия иши
9	Болалар нефрологияси гемодиализ билан	5510200	Педиатрия иши
10	Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси	5510200	Педиатрия иши
11	Болалар хирургияси	5510200	Педиатрия иши
12	Болалар терапевтик стоматологияси	5511000	Болалар стоматологияси
13	Болалар юқумли касалликлари	5510200	Педиатрия иши
14	Болалар ва ўсмирлар гигиенаси	5510300	Тиббий профилактика иши
15	Гематология ва трансфузиология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
16	Гигиена (йўналишлар бўйича)	5510300	Тиббий профилактика иши
17	Дерматовенерология (тери таносил касалликлари)	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
18	Диетология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
19	Ички касалликлар (терапия) (йўналишлар бўйича)	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
20	Кардиология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
21	Клиник фармакология	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
22	Коммунал гигиена	5510300	Тиббий профилактика иши
		5510300	Тиббий профилактика иши
		5510900	Тиббий – биологик иш
		5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
23	Лаборатория иши	5510400	Стоматология (йўналишлар бўйича)
		5511000	Болалар стоматологияси
		5510300	Тиббий профилактика иши
		5510100	Даволаш иши
		5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
24	Меҳнат гигиенаси	5510200	Педиатрия иши
		5510300	Тиббий профилактика иши
		5510100	Даволаш иши
25	Наркология	5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
		5510100	Даволаш иши
26	Неврология (асаб касалликлари)	5111000	Профессионал таълим (Даволаш иши)
		5510100	Даволаш иши

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг  
БУЙРУҒИ

2023 йил 26 июль

Тошкент шаҳри

№179

**2023/2024 ЎҚУВ ЙИЛИДА КЛИНИК  
ОРДИНАТУРА (РЕЗИДЕНТУРА)ГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

27	Нейрохирургия**	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профessional таълим (Даволаш иши)
		5510200	Педиатрия иши
28	Неонатология	5510200	Педиатрия иши
29	Нефрология гемодиализ билан	5510100	Даволаш иши
		5111000	Профessional таълим (Даволаш иши)
